

1507/203-сонли ШАРТНОМА

Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси хизматларидан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш учун махсус тўғридан-тўғри алоқа (бундан кейин - МТА) мажмуилари (тўпламлари)ни тақдим этиш тўғрисида

Тошкент ш.

“14” 01 2022й.

“Ўзбектелеком” АК номидан Низом ва ишончнома асосида иш юритувчи “Бош коммутация маркази” филиали директори Арифханов С.А бундан кейин “БКМ” деб аталувчи бир томондан ва Юристлар малакасини ошириш маркази бундан кейин “Абонент” деб аталувчи Устаб асосида иш юритувчи шахс К. Шамшиев иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб номланган ва алоҳида-алоҳида “Томон”, ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “БКМ” “Абонент”га 1-иловага мувофиқ ажратилган махсус тўғридан-тўғри алоқа (бундан кейин - МТА) тўпламларини тақдим этади ва шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаларидан куну-тун фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш имкониятини таъминлаш учун ишлаш ҳолатида сақлайди, “Абонент” тақдим этилган Хизматлар, шу жумладан, ушбу тўпламлардан фойдаланган ҳолда кўрсатилган шаҳарлараро, халқаро сўзлашувларга ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “БКМ” қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

2.1.1. “Абонент”га Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Қоидалари, шунингдек ушбу Шартнома шартларига мувофиқ хизматлар кўрсатиш.

2.1.2. Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаларидан фойдаланиш ва куну-тун хизмат кўрсатиш имкониятларини таъминлаш учун МТА тўпламларини ишлаш ҳолатида сақланишини таъминлаш.

2.1.3. Ёзма сўров бўйича “Абонент”га МТА тўпламини киритиш учун ҳисоб-фактура “Абонент” томонидан тўловни тасдиқлаш олинган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида қўшимча МТА тўпламини киритишни ва тўғридан-тўғри симни ўз вақтида ташкил этишни таъминлаш.

2.2 “БКМ” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.2.1. Қуйидаги ҳолларда хизматлар кўрсатишни бир томонлама тартибда тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш:

- “Абонент” томонидан белгиланган талаблар, қоидалар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари бузилганлиги;
- Агар “Абонент” тармоғи техник воситаларининг ишлаши, шунингдек “Абонент”нинг хатти-ҳаракатлари “БКМ” тармоғининг техник воситаларига ва/ёки дастурий таъминотига зарар етказиши мумкинлиги;
- “Абонент”ни белгиланган тартиб ва муддатларда тегишли огоҳлантириш билан маълумотларни узатиш тармоғида режали технологик ишларни амалга ошириш;
- Ушбу Шартнома доирасида тақдим этиладиган “БКМ” хизматлари учун, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолларда “Абонент” томонидан тўлаш мажбуриятларининг бажарилмаслиги;

2.2.2. “БКМ” тариф ва хизматларнинг янги Нархномасини бир томонлама амалга киритиш ҳуқуқига эга, бу ҳақда “Абонент”га олдиндан хабар берган ҳолда.

2.3. “Абонент” қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

2.3.1. Тақдим этилган хизматлар учун ҳар ойда “БКМ”дан олинган ҳисоб-фактура асосида ўз вақтида тўловни амалга ошириш.

2.3.2. Номи ва жойлашган ерининг, мулкчилик шаклининг, банк ва почта маълумотларининг ўзгарганлиги, раҳбарнинг алмашгани ва бошқа маълумотлар ҳақида “БКМ”га ўз вақтида хабар бериш.

2.3.3. Ҳар чоракда тегишли далолатнома тузган ҳолда ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича солиштирмани амалга ошириш.

3. ХИЗМАТЛАР ҲАҚИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. “Абонент” тақдим этиладиган хизматлар ҳақини МТА тўпламларидан фойдаланиш учун шартнома нархларига (1-илова) ва шаҳарлараро, халқаро сўзлашувлар учун амалдаги 125-1/7-сонли Нархнома тарифлари бўйича ҳақ тўлайди.

3.2. Ушбу Шартнома бўйича ҳисобот даври “Абонент”га хизматлар тақдим этилган календарь ой, ҳисоб-китоб даври эса ҳисоботдан кейинги календарь ой ҳисобланади. Ушбу Шартнома бўйича “БКМ” томонидан тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов “Абонент” томонидан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида, тўлов учун тақдим этилган ҳисоб-фактуралар асосида амалга оширилади.

3.3 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида шартнома ва ҳисоб рақамларни текшириш ва рўйхатдан ўтказгандан сўнг, “Абонент” тақдим этиладиган хизматлар ойлик кийматининг 100% миқдорида олдиндан тўлов “БКМ”нинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

3.4. Тақдим этиладиган хизматлар (МТАнинг 1 тўпламидан фойдаланганлик учун абонент тўлови) 2022 йилнинг 1-чорак бюджетига мувофиқ ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда 49 860 (қирк тўққиз минг саккиз юз олтмиш) сўм миқдорида “Абонент” томонидан тўланади. Тақдим этилган шаҳарлараро ҳамда халқаро сўзлашувлар учун тўлов вақт ва сумма йўналиши кўрсатилган ҳолда чоп этиш асосида амалга оширилади. Тўлов амалда кўрсатилган хизматлар учун амалга оширилади.

2022 йил 1-чорак учун шартноманинг умумий миқдори ҚҚС билан 49 860 (қирк тўққиз минг саккиз юз олтмиш) сўмни ташкил этади. Шартнома суммаси икки томонлама қўшимча шартнома асосида кўрсатиладиган хизматларнинг ҳақиқий равишда кўпайиши ёки камайиши ҳолатларида ўзгартирилиши мумкин.

3.5. “БКМ” ҳисоб-китоб ойининг 10 санасигача кўрсатилган хизматлар учун “Абонент”га ҳисоб-фактурани тақдим этади. “Абонент” ушбу Шартномада кўрсатилган банк реквизитлари бўйича “БКМ” томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда ҳисоб-китоб ойининг 20 (йигирманчи) санасига қадар тўловларни амалга оширади. Тўлов нақд пулсиз шаклда, “Абонент” ҳисоб рақамидан “БКМ”нинг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.6. Ҳар чоракда “Томонлар” тегишли Далолатномани тузиш билан ўзаро ҳисоб-китобларни солиштирадилар.

3.7. Ушбу Шартнома доирасида белгиланган “БКМ” ҳисоб рақамидан олдиндан тўлов миқдори йўқлиги, “БКМ” ҳисоб рақамига тўлов келиб тушган санага қадар хизматларни тақдим этишни тўхтатиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

3.8. Ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугагач, “Томонлар” ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш Далолатномаси тузилади, унга мувофиқ “Абонент” томонидан амалга оширилган олдиндан тўловни ҳисобга олган ҳолда якуний ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Якуний ҳисоб-китоблар “Томонлар” томонидан ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш Далолатномаси имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.9. Ўзаро даъволар ва санкцияларнинг мавжудлиги тақдим этилган Хизматлар учун тўловни тўхтатмайди.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Ушбу Шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, айбдор “Томон” бошқа “Томон”га етказилган зарарни қоплайди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган тартибда бошқа жавобгарликка тортилади.

4.2. Хизматлар кўрсатилмаган тақдирда, “БКМ” “Абонент”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида, лекин кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50%дан кўп бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Тақдим этилган хизматлар учун ўз вақтида тўлов амалга оширилмаган тақдирда, “Абонент” “БКМ”га кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида, лекин кечиктирилган тўлов суммасининг 50%дан кўп бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5. ШАРТНОМАНИНГ МУДДАТИ, УНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати 01.01.2022 йилдан бошлаб белгиланади ва 31.12.2022 йилгача амал қилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб молиялаштирилади.

5.2. Шартноманинг барча бандлари узоқ муддатли ҳисобланади. Шартномани қайта имзолангунга қадар бажарилиши керак.

5.3. Ушбу Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар “Томонлар”нинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

5.4. “Томонлар”нинг ҳар бири ушбу Шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эгадир, бунда Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан 30 кун олдин бошқа “Томон”ни хабардор қилинган ҳолда.

5.5. Ушбу Шартнома 1-Илова билан бирга имзоланган бўлиб, илова мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5.6. Ушбу Шартнома имзолангандан сўнг, 29.01.2021 йилдаги 1507/203-сонли Шартнома ўз кучини йўқотади, ўзаро ҳисоб-китоб шартни бундан мустасно.

6. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

6.1. Шартномани бажариш билан боғлиқ ҳар қандай низо ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, “Томонлар” уларни “Томонлар” ўртасидаги музокаралар орқали ҳал қилиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширадилар.

6.2. Агар низолар музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, низолар Тошкент туманлараро иктисодий судида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал этилади.

6.3. Даъволар ва даъво аризалари амалдаги қонунчиликка мувофиқ тақдим этилади.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган томон, агар бундай шароитларда (форс-мажор) фавқулодда ва муқаррарлиги туфайли ижро этилиши мумкин эмаслиги исботланса, жавобгарликдан озод этилади.

Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларига қуйидагилар қиради:

- ёнгин, сув тошқини, zilзила, бошқа табиий офатлар;
- экспорт ва (ёки) импортга тўсик ёки эмбарго;
- уруш, ҳарбий ҳаракатлар, террорчилик ҳаракатлар,
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳужжатлари.

7.2. Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатлари юзага келган тақдирда, уларнинг таъсирига дучор бўлган “Томон” бошқа “Томон”ни бундай ҳолатлар юзага келган пайтдан бошлаб 5 (беш)

календарь куни ичида хабардор қилади.

7.3 Хабарномада кўрсатилган фактлар ваколатли давлат органлари томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли тасдиқларнинг йўқлиги “Томон”ни ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш учун асос сифатида юқоридаги ҳолатлардан бирини далил қилиб кўрсатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

7.4 Енгиб бўлмас куч ҳолатлари юзага келган тақдирда, “Томонлар” бир-бирлари билан зудлик билан музокаралар олиб борадилар ва енгиб бўлмас куч ҳолат оқибатларини тузатиш ёки бартараф этиш учун кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисида келишиб оладилар. Бундай ҳолда, тегишли мажбуриятларни бажариш бундай ҳолатлар давом этиш муддати ёки уларнинг оқибатлари тугагунига қадар қолдирилиши мумкин.

7.5. Агар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришнинг иложи бўлмаса, ҳар бир томон ушбу шартномани бекор қилиш санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма хабарноманинг бошқа томонига юборилганидан кейин ушбу Шартномани бекор қилишга ҳақлидир.

Бундай ҳолда, “Томонлар”нинг ҳеч бири бошқа “Томон”дан енгиб бўлмас куч ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

8. МАХФИЙЛИК

8.1 “Томонлар” Шартнома мазмуни, шунингдек, ушбу Шартномани тузиш ва амалга ошириш муносабати билан “Томон”лар бир-бирларига берилган барча ҳужжатлар махфий ҳисобланади ва бошқа “Томон”нинг ёзма розилигисиз ошкор этилмайдиган томонларнинг тижорат сирларига тегишлидир.

Юқоридаги қоидадан истисно тариқасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ юридик шахснинг тижорат сирини ташкил эта олмайдиган маълумотлар ҳисобланади.

8.2. Махфийликни сақлаш мажбуриятлари кейинги 3 (уч) йил мобайнида ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан ёки уни муддатидан олдин бекор қилишдан кейин ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

8.3. Ахборотнинг махфийлиги тўғрисидаги шартларни бузганлик учун бундай ҳуқуқбузарликка йўл қўйган “Томон” ушбу зарарнинг ўрнини қоплаш шаклида жавобгар бўлади. Ушбу қоидалар “Томонлар”нинг бири унинг ҳуқуқий ворислари учун қайта ташкил этилган тақдирда, тарафлардан бири бошқа томон учун тугатилганда ҳам қўлланилиши керак.

8.4. Ҳар бир “Томон”нинг бошқа “Томон”нинг махфий маълумотларини ҳимоя қилиш усуллари бу “Томон”нинг ўз махфий маълумотларини ҳимоя қилиш усуллари билан кам бўлмаслиги керак.

8.5. “Томонлар”нинг ҳеч бири бошқа “Томон”нинг махфий маълумотларини ҳар қандай учинчи шахсга ўтказиш ёки бошқа томоннинг ёзма розилигисиз учинчи “Томон”нинг махфий ахборотлари билан танишиш ҳуқуқига эга эмас.

9. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

9.1. “Томонлар” ушбу Шартномани тузиш ва ундан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариш учун корпоратив ваколатларга ва улар олган ва (ёки) расмийлаштирган барча зарур руҳсатномаларга (шу жумладан, иштирокчиларнинг розилигига) эга эканликларини ва улар тўлиқ кучга эга эканлигини тасдиқлайдилар ва қафолатлайдилар.

9.2. “Томонлар”нинг ушбу Шартномани тузиши ва ушбу Шартномани ҳамда унда кўзда тутилган ҳаракатларни бажаришлари қуйидагиларга зид эмас ва зид бўлмайди:

- бирон-бир давлат органининг ҳар қандай қонуни, буйруғи, фармойиши, суд қарори, ажрими, қарори ёки Қонунчилик ҳужжати, қоида ёки унга нисбатан қўлланиладиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан;
- таъсис ҳужжатлари ёки Абонент ва (ёки) унинг муассисларининг ички маҳаллий ҳуқуқий ҳужжатлари билан;
- Абонент ёки унинг муассислари учун амал қиладиган ҳар қандай қилишув ёки ҳужжат билан.

9.3. Шартномага киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда

расмийлаштирилган ва “Томонлар”нинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.4. Унинг манзили, шунингдек банк ва бошқа реквизитлари ўзгарган тақдирда, “Томон” бошқа “Томон”ни улар ўзгарган кундан бошлаб 5 (беш) иш кун ичида хабардор қилиши шарт.

Белгиланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, олдинги реквизитлар бўйича ижро этиш ушбу Шартнома доирасида мажбуриятларнинг тўғри бажарилиши ҳисобланади.

9.5. “Томонлар”нинг ҳар қандайини қайта ташкил этиш ушбу Шартнома шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди. Бундай ҳолда, ушбу Шартнома тегишли “Томон”нинг ҳуқуқий вориси учун ўз кучини сақлаб қолади.

Ушбу Шартномага киритилган барча иловалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9.6. “Томонлар” ушбу Шартномага мувофиқ ёки улар билан боғлиқ равишда бир-бирига юборилган барча хабарлари ва хабарномалари қуйидаги тарзда юборилиши керак:

а) шахсан ваколатли вакилга ёки ушбу шартнома томонининг ҳар қандай ходимига олинганлик тўғрисида ёзма равишда топширилади.

б) бундай имконият бўлмаса, етказиб бериш хабарнома хати юборилади;

в) электрон почта орқали юборилади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК МАЪЛУМОТЛАРИ

“БКМ”

“Ўзбектелеком” АК

“Бош коммутация маркази” филиали

100011, Тошкент ш., Навои кўч., 28

Х/р: 2021 0000 3040 7483 8052

“АЛОҚА БАНК” АТБ БОШ АМАЛИЁТ

БОШҚАРМАСИда

МФО: 00401, СТИР 203366731

ИФУТ: 61 100

Тел.: 71 238 11 05, 71 238 13 51

Директор

Арифханов С.А



“Абонент”

Адрес: ш. Ш. Даркони маркази.

Ш. Ҳузбек 74ч. Катта Даркони Ву

Х/р: 706010360262697096200009061

Бил: Тош ш. 56. Маркази бошқарма

МФО: 00014 СТИР 201997922

ИФУТ: 85590

Тел.: 77-234-52-48.



А. Арифханов

А. Арифханов

№1507/203 сонли
шартномага
1-илова

Тартиб рақами	Хизмат тури	Тўплам рақами	Тўғридан-тўғри сим рақами	Абонент тўлови
1	МТА	31	963	16 620 сўм

Шаҳарлараро ва халқаро қўнғироқлар учун тўлов амалдаги 125-1/7-сонли Нархнома тарифларига мувофиқ ҳар дақиқаси учун тўланади.

Амалдаги 125-1/7-сонли Нархнома тарифларига мувофиқ қўшимча МТА тўпламини ёқиш учун қатъий белгиланган тўловлар:

- | | |
|---|-------------|
| 1. Қўшимча МТА тўплами | 185 900 сўм |
| 2. МТА тўпламини вақтинча ёқиш (1 ойдан кам муддатга) | 55 770 сўм |

Келишилди

“БКМ”

Фамилияси: Арифханов С.А.



“Абонент”

Фамилияси: Х.Исмаилов





LITSENZIYA ЛИЦЕНЗИЯ

AA № 0005718

Litsenziya turi / Вид лицензии: Типовая

Berilgan sana / Дата выдачи: 03 ноября 2015 г.

Litsenziyaning amal qilish muddati: 03.11.2015г. dan 03.11.2030г. gacha
Срок действия лицензии: с _____ по _____ gacha

Litsenziatning nomi: Акционерная компания «О'ЗВЕКТЕЛЕКОМ»
Наименование Лицензиата:

г.Ташкент, Юнусовский р-н, проспект Амира Темура, д.97А, р/с 20210000904074838001

Litsenziatning manzili va bank rekvizitlari / Адрес и банковские реквизиты Лицензиата: в ОПЕРУ АК «Алокабанк» г.Ташкент, МФО 00401, ИНН 203366731

**USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLIYAT KO'RSATISHGA RUXSAT ETILADI:
НАСТОЯЩЕЙ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАЗРЕШЕНО ОСУЩЕСТВЛЯТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:**

Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг
междугородных сетей телекоммуникаций

**ILOVA QILINGAN LITSENZIYA SHARTNOMASIGA MUVOFIQ
В СООТВЕТСТВИИ С ПРИЛАГАЕМЫМ ЛИЦЕНЗИОННЫМ СОГЛАШЕНИЕМ**



Rahbarning imzosi: [Signature]
Подпись руководителя: ✓

Litsenziyaning amal qilish muddati: _____ dan _____ gacha uzaytirildi
Срок действия лицензии продлен: с _____ по _____ gacha uzaytirildi

M.O' / M.П. Rahbarning imzosi: _____
Подпись руководителя: _____

Litsenziyaning amal qilish muddati: _____ dan _____ gacha uzaytirildi
Срок действия лицензии продлен: с _____ по _____ gacha uzaytirildi

M.O' / M.П. Rahbarning imzosi: _____
Подпись руководителя: _____

(Ilova qilingan litsenziya shartnomasi mazkur litsenziyaning ajralmas qismidir)
(Прилагаемое лицензионное соглашение является неотъемлемой частью настоящей лицензии)



YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TBAZISH TO'G'RSIDA

GUVOHNOMA

Reestrdaqi tartib raqami - 10-000240

№ 000240

2002 yil "21" fevral

Mazkur guvohnoma firma nomi "O'ZBEKTELEKOM"
Ochilq aksiyadorlik kompaniyasi.

ba'igan yuridik shaxsqa Toshkent shahar, Yuuusobod tuman Hukimining
2002 yil "21" fevral daqi 259 - sonli qaroriga asosan berildi.

Tashkily-buqurqy shakli: Ochilq aksiyadorlik jamiyasi **TSH (OIQ)**
150

Mulkchilik shakli: Aksiyadorlar **MSH (QC)**
144

Poqhta orazvili: A.TEMUR KO'CHA 81 24-UY **MHOBT (CGATO)**
1726266

Yuridik'taxvaz kodi: **KIUT (OKHO)**
17820078

Taxvaz nomi: Telekommunikatsiya **XXTUT (OKOHX)**
52300

Soliq to'lovchilrig idantifikatsiya raqami: **SITR (IIBH)**
203366731

Qo'shimcha ma'lumatlar: Avval Adliya Vazirlig'iga 2000 yil 10 avgustdagi 1317-sonli reestr
bilan ro'yxatga oltirgan

Vakolatli organ rahbari Uktamov R.U.



ASLIGA TO'G'RI



O'ZBEKTELEKOM AKSIYADORLIK kompaniyasi
 АКЦИОНЕРНАЯ КОМПАНИЯ УЗБЕКТЕЛЕКОМ

100011, Toshkent sh., A. Navoiy, 26a uy. T: (+998 71) 239-23-07. F: (+998 71) 236-01-88. E-mail: info@uztelecom.uz www.uztelecom.uz
 100011, г.Ташкент, ул. А.Навои, дом 26а Т: (+998 71) 239-23-07. Ф: (+998 71) 236-01-88. E-mail: info@uztelecom.uz www.uztelecom.uz

№ 14 01-14/6012
 « 30.12 / 2021

ИШОНЧНОМА

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар, Алишер Навоий кўчаси, 28А-уйда жойлашган “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринда – Компания) номидан, ваколатли орган томонидан 2021 йил 27 январда рўйхатдан ўтган янги тахрирдаги Компания Устави асосида фаолият юритувчи, Компания бош директори Хасанов Назиржон Набижанович, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 47, 138–140-моддалари, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 7, 79-моддаларига асосан мазкур ишончнома орқали Компаниянинг “Бош коммутация маркази” филиали (кейинги ўринда – Филиал деб юритилади) директори Арифханов Суръат Анварович (ARIFXANOV SUR'AT ANVAROVICH, паспорт маълумотлари: серия АА, № 1159015, 04.04.2013 й., Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ томонидан берилган) Компания номидан қуйидаги ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқини беради:

мазкур ишончнома ва “Ўзбектелеком” АКнинг “Бош коммутация маркази” филиали тўғрисидаги Низомга асосан берилган ваколатлар доирасида Филиал фаолиятида умумий раҳбарликни амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ўз ваколатлари доирасида Филиал фаолияти билан боғлиқ буйруқлар, фармойишлар ва бошқа ички ҳужжатларни қабул қилиш, тасдиқлаш (имзолаш);

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ Компания номидан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш (Филиал ва унинг таркибий тузилмаларига ишга қабул қилиш ёки ишдан бўшатиш муносабатлари), Филиал ходимларини Филиалнинг бошқа таркибий тузилмасига ўтказиш орқали меҳнат шартномаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш (қўшимча келишувлар тузиш), Филиал ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш. Бунда, мазкур ваколатларни ишончнома асосида бошқа шахсларга ўтказилишига йўл қўйилмайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ суд органларида (шу жумладан, ҳакамлик судлари ва арбитражларда) ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида иштирок этиш (суд мажлисларида, процессуал ҳаракатларида иштирок этиш), даъвогар ва жавобгар сифатида тегишли ҳаракатларни амалга ошириш, шунингдек учинчи шахс сифатида иштирок этиш, даъво аризаларни ва шикоятларни имзолаш (шу жумладан апелляция ва кассация инстанцияларига аризалар ва шикоятлар киритиш), даъво талабини ўзгартириш ва ёки тўлдириш, даъво талабларини (эътирозларни) қабул қилиш ёки рад этиш, келишув битимини тузиш, Компания фойдасига (Филиал фаолияти доирасида) қабул қилинган суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижрога қаратиш ва ушбу ҳужжатларни ижро этиш жараёнида пул маблағлари ёхуд бошқа моддий қимматликлар (мол-мулк)ни Филиал балансига қабул қилиш, ушбу ваколатларни ишончнома асосида Филиалнинг масъул ходимларига ўтказиш. Бунда даъво аризаларни ва шикоятларни имзолаш, шу

“O'zbektelekom” AK
 “Bosh Kommutatsiya Markazi” filiali
 KIR
 20.12.2021 30.12.2021

